

Х. ШОЯҚУЛОВ.

КПСС МК ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

«...БИЗ ВОЛГОГРАД, ХАРЬКОВ ВА ЧЕЛЯБИНСК ТРАКТОР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДЛАРИ, «РОСТСЕЛЬМАШ» КАБИ ЎЛКАН ВА ВЕТЕРАН ҚОРХОНАЛАР БИЛАН, ШУНИНГДЕК МИНСК, ЛИПЕЦК ВА ОЛТОЙ ТРАКТОР ЗАВОДЛАРИ, ВЛАДИМИР МОТОРСОЗЛИК ЗАВОДИ, КРАСНОЯРСК КОМБАЙН ЗАВОДИ, ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ КАБИ ҚУЧЛИ ҚОРХОНАЛАР ВА БОШҚА ЗАВОДЛАР БИЛАН ҚОНУНИЙ СУРАТДА ФАХРЛАНА ОЛАМИЗ».

[Июль Пленумида «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладыдан].

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорини эфр қонқиш ва мамнуният билан қутиб олди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев ўзининг Пленумдаги докладыда «Ташсельмаш» заводи мамлакатимиздаги бошқа пешқадам қишлоқ хўжалик машинасозлиги қорхоналари қатори тилга олганидан бениқо ҳурсандимиз. Бу бизни янги меҳнат зафарларига олтатишмоқда.

Заводимизнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари ҳаммавақт деҳқонга мададкор бўлиб келганлар. Шу қутлуғ иш — пахтачиликни механизациялаш учун минг-минглаб ишчи-инженер-техник ходимларимиз, конструкторлар ижодий меҳнат қилдилар ва қилмоқдалар, йил сайин янги, мукаммал конструкциядаги машиналар ишлаб чиқариш ўлаштирилмоқда.

Маълумки, пахта териш машинаси мураккаб конструкциядаги машинадир. Биз йил сайин қорхонани техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаб бораётганимиз тўғрисида ҳам терим машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдамиз, унинг сифатини тобора яхшиламоқдамиз. 1966 йилда кенг қатор ораларда ишловга мўлжалланган пахта териш машинасини қўллаб таъёрлашга киришган эдик. 1968 йилнинг июль ойига келиб эса «Ўзбекистон» номига тўрт қаторли вертикаль-шпинделли пахта териш машинаси қорхонамиз конвейеридан чиқди.

Кейинги ўн йил мобайнида техникани тараққий эттириш борасида қилинган катта ишлар тўғрисида қорхонамиз жиҳозлашни жиҳатдан мамлакатдаги илгор қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари қаторидан жой олди. Шу давр мобайнида қувоқ цехидаги ишларнинг олтидан тўрт қисми механизациялашганини айтиб ўтиш кирок. Таъйилов-пресс цехларидида ҳам мукаммал усунуналар ўрнатилди. Автоматик, ярим автоматик ва агрегат станоклар кенг жорий этилмоқда. Эндиликда искованика цехларига ўрнатилган технологик усунунанинг ундан бирини ана шундай станоклар ташкил этади. Деталларга механик ишлов беришда ишларнинг 35 проценти механизациялашган. Пайвандлаш ишларининг тўртдан ўч қисми ҳам автоматик ва ярим автоматик тарзда эди этилмоқда.

Коллективимиз раванчилигини беш йиллик икитомий планини ишлаб чиқишимиз. Ҳозир цехларда социалистик меҳнат интизоми индекс анал қилмоқда.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кезларида заводимизнинг ҳар бир ишчиси ва инженер-техник ходими гайрат билан ишлади, янги-янги рекордлар, ташаббуслар юзга келди, янги меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқди.

Қувоқ цехининг колпировчиларидан Н. Гараев ва Ф. Аҳмедов ўртоқлар шаксш беш йиллик планларини 3,5 йилда бажариш ташаббуслари бўлиб чиқдилар. Донгдор ишчиларининг бу ташаббусини завод партия комитети маъқуллади. Мана энди биз 750 ишчимиз 1971 йил ҳисобига ишламоқда, деб қувонч билан айтаямиз.

Инженерлардан В. Убогович, С. Маскимов, Т. Комеников, Е. Ласкин ўртоқлар техника тараққийтини маддаллаштириш мақсадида инженер-техник ходимлар орасида социалистик мусобақани бошлаб бердилар. Ана шу инженерларимизнинг ибрати билан кўпчилик инженерларимиз шаксш ана коллектива ижодий планлар тузиб чиқдилар. Бу планларнинг кўпчилиги жорий этилиши тўғрисида қорхона 200 минг сўмдан кўпроқ фойда кўрди.

Ҳар бир ишда тежамкор бўлиш ҳаракатидамиз. Утган беш ой мобайнида тонна-тонналаб металл прокат, қурувлар, мой-бўёқ, тежамди, электр энергия ва йилнинг исроф қилмадик, натижада қорхона чорак миллион сўм пуллик тежам қолди.

Беш йиллик мобайнида машиналар ишлаб чиқариш муттасил орбит бораверди, запас қисмлар таъёрлаш эса икки баравар кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 20 процент ошди. Беш йиллик плани 15 декабрда бажаришга аҳд қилганимиз. Ярим йиллик ақулар чакки эмас. Пландидаги нисбатан 300 минг сўмлик кўп товар маҳсулотларни таъёрладик. Пахтакор хўжаликларга 2 минг 800 тўрт қаторли пахта териш машинаси жўнатилди.

Келгуси беш йилликда ҳам заводимиз олдида катта вазифалар турибди. Янги марраларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қарориди аниқ-равшан белгилаб берилган. Заводнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Ишчи ва инженер-техник ходимларимиз янада камол топади. Заводни реконструкция қилиш жадвал беришмоқда. Янги корпуслар тушмоқда. Заводнинг Сирдарё посёлкасидаги ва Чирчик шаҳридаги филиал маҳсулот бера болади.


Биз КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини дастуруламал деб билиб, мавжуд камчиликларга барҳам беришимиз, тошпирилган иш учун жавобгарлигини ошпиримиз, бутун диққат-этиборини ишлаб чиқаришнинг сақадорлигини ошпиримиз қаратмоғимиз керак.

И. МУСИН.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи директори.

ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига лаббай, деб жавоб бериб, пахтакорларга мукаммал машина ва механизмларни қўллаб етказиб беришмоқдалар. Ҳозир заводнинг йилгуча цехи конвейеридан кунига 25-26 тадан «Ўзбекистон» тўрт қаторли терим машинаси чиқаришмоқда. Суратда: ана шу цехнинг азаматларидан Э. Менитов, Г. Қаниёзов, С. Насиев ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.



АРҒАМЧИГА

ҚИЛ

ҚУВВАТ

Бригадамизда 10 киши ишлайди. Қўчилиги бешлар. Аҳдидимиз. Улар зиммаларидидаги вазифани бажаришда бажонидил ҳарият қилишади.

Эришмаётган натижаларимиз чакки эмас. Утган йил тошпирини барвақт адо этган эдик. Юбилей йили биринчи кварталда бригадалар ўртасидидаги мусобақадда ғолиб чиқдик. Июнь ойи плани 120 процент бажарилиди.

Ютуқларимизнинг боиси интизом, ҳамкорлик, аҳдидимиз. Бусиз иш юргазилиши тасаввур қиллолмайдим. Ҳамма ишга астойдил киришади. Қўчилиги бир неча касбни ўлаштирган. Бирининг ишини иккинчиси давом эттириб кетаверади.

Яқинда қизик воқеа бўлди. Пахта узатиш камераси учун зарур бўлган деталлар етишмай қолди. Нима қилиш керак? Бригада аъзолари билан маслаҳатлашдик. Бир ёқадан бош чиқариб, дам олиш кунни пресс таъёрланадиган участкага ёр-

дамга келдик. Коллективимиз аъзоларининг қўчилиги бир неча касбни бемалол бажараверадиган ишчилар бўлганидан ўзимиз учун зарур деталларни таъёрлашда қийналмадик. 12ХВ, 30435, 30436, 30538 маршали деталлар ҳозирланди. Камера таъёрлашдаги қийинчиликлар барҳам бердик. Ана тўла куч билан ишлай бошладик. Июнь ойида ҳам маҳсулот-

тимиз биринчи қўрсаткичда қабул қилинди.

Ҳозир йилнинг тўрттинчи квартал хисобига меҳнат қилияпти. Самарали натижаларга бригадаларнинг ҳамма ишчилари мўъносиб ҳисса қўшипти. Таърибани ишчилар Костас Зардавас, Рашид Ҳамидуллинлардан тортиб кеңжайотишимиз Ислом Раҳимовгача ижодлан ишлайпти. Режамиз шундай: учинчи кварталда юбилей йили тошпириларини адо этиб бўлиб, 1971 йил хисобига ишлай бошлаймиз. Ҳозир биз таъёрлаган маҳсулот фақат юқори сифатларга қабул қилинмоқда. Келгусида ҳам маҳсулотнинг сифати аъло бўлишига, таъёрлаган маҳсулотларимиз деҳқонларга маъқул бўлишига ҳарият қиламиз.

Б. ИДРИСХЎЖАЕВ,
темирчилик-пресс цехи
слесарлар бригадасининг
башлиғи.

ЕТУКЛИК
ГУВОҲНОМАСИ

Бундан ўн йил муқаддам икки қаторли ХВС-1,2 пахта териш машинасини чиқарардик. Иш бошлаш олдида бу машинанинг етиш жойини мўълош лозим бўларди. Ҳар кун машина қаровига иш вақтининг бешдан икки қисми кетарди. Ҳозирги агрегатларнинг қаровига эса теримга тушиш олдида нари борса йигирма-ўттиз минут сарфланади.

Эндиликда пахта териш машиналарини яратиш, тақомиллаштириш борасида инженерлар, конструкторлар, технологлар билан бир ёқадан бош чиқариб меҳнаткорлар, ремонтчилар ҳам ишламоқда. Ҳамма тушган тақилфлар ва муволазаларни завод ва давлат маҳсулот конструкторлик бюроси иноватга олади ва машинани яна ҳам яхшилашда фойдаланилади.

Бизнинг мақсадимиз машинани бошқарётган механик-ҳайдовчига қулай шартот яратиб беришдир. Машина ҳаммаша ишга шай туриши лозим. Шунинг учун ҳам биз айрим операцияларни автоматлаштириш борасида ҳам ишламоқдамиз. Уялаймизки, келгусидаги беш йилликда механик-ҳайдовчи худди оператор сингари машина муруватларини бираб тураверадик. Унинг иш шартотлари анча енгиллашади.

Пахта териш машинаси мураккаб агрегат. Уни ясашда 2300 детал қўлланилган. Машинадаги деталлар сони 15 мингга боради. Лекин шунга қарамасдан механик-ҳайдовчи фақат икки-уч солаш ишларини бажаради. Машинанинг фақат икки ерини мўълойдик. Қисқа қилиб айтганимизда бизнинг пахта териш машинамиз етуклик аттестатини олган. Уни ясашда қишлоқ хўжалик машинасозлигининг сўнгги ютуқларидан фойдаланмоқдамиз.

Механик-ҳайдовчи машинани ҳайдошга эмас, унинг тузилишини ҳам нақадар мукаммал билди олса, машина тижирлик қилай ишлайверади.

А. МУРАВЬЕВ,
заводнинг бош конструктори.

◆ Ишчиларнинг маоши йилгига ўрта ҳисобда 4,5 процентдан кўпаймоқда. Бундан тўрт йил муқаддам 100 сўм маош олган киши ҳозир 118 сўм олаётди.

◆ Илгига ўйлаб онла янги уйлارга кўчиб кўрмоқда. Сўнгги уч йилнинг ўзидида 486 онла довл тўйларни ўтказди. Икки юз онлаинг яшаш шартотини янада яхшилади.

◆ Яқинда ишчилар фарзандларини янги ташкил этилган пионер лагерига кузатиб қўйишди. Беш йиллик мобайнида завод пионер лагеридида ташқари Исчиқўлда пансионат, гўзал табиатли Арнаста дам олиш базаси барпо этилди.

ХАММА
КОРХОНАЛАР
ЁРДАМГА ОТЛАНДИ

Партияимиз Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ хўжалиги олдида катта вазифаларни қўйди. Ишлаб чиқариш процессини механизациялаштириш меҳнат унумдорлигини ошпирш ва маҳсулот таннарини арзонлаштиришнинг асоси эканлиги таъкидланди. Яқин йиллар ичидида трактор заводлари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машинасозлиги заводларини ривожлантириш зарурлиги қўрсатилди. Санаятнинг бу соҳаларида қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ҳосил қилиш деҳқонларнинг техника билан таъминлашни қисқа муддатда янада яхшилаш имконини беради.

Республикамизда қишлоқ хўжалик машинасозлиги санаятнинг истиқбол планлари қўриб чиқилаётди. Келгусида пахта териш машиналари, экскаватор, пахта тозалаш усунуналари, кўрак чувиш машинаси, трактор шатаклар ва бошқа усунуна, машиналар ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли қорхоналарда қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни 1,5 баравар кўпайтириш мўълажланаяпти. Аваало, ноёб қисмларни таъёрлаш: пахта териш машинаси учун шпинделлар, культиватор учун ишчи органлари ишлаб чиқариш кескин ортади.

Тошкент химия машинасозлиги заводи янги пуркагич таъёрлашни йўлга қўйди. ОВХ-14 пуркагичи деҳқончиликда фойдаланилаётган ОТН-8-16 пуркагичига нисбатан икки марта унумлидир. Шунингдек Чирчик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи чизел-культиватор ишлаб чиқаради. Йўл қурилиши машинасозлиги министрлиги заводларида янги план-

лаштириш экскаваторлари ишлаб чиқарилади.

Қўлгана қорхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини ошпирш учун қурилиш ишлари / кетаяпти. Тошкент трактор заводида янги цехлар тикланаяпти. Андижон механика заводини реконструкция қилиш қийинга етиш олдида. Ҳадемай Самарқанд ва Каттақўрғон пахта машинасозлиги заводларини реконструкция қилишга киришляди. 1971 йилда машинасозлиги заводларида машиналарнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган эски конструкциядаги машиналарни янгилири билан алмаштириш учун катта тадбирлар аналга ошпирлади.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш учун энг зарур маҳсулот пўлат қуймасидир. Бу масала анчадан буюн ўрганиб келинаётган эди. Қорхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин ошпирш масаласи ҳам худди ана шу хом шё билан боғлиқ. Шу кеча-кундузда пўлат ва чуён қуймасини кўпроқ ишлаб чиқариш учун Сирдарё областининг Обручево посёлкасида янги қорхона лойиҳалаштириш ишлари бошланди. «Центролит» деб номланган бу завод йилгига жами 120 минг тонна қуйма таъёрланади. Қорхона учун 50 гектар майдон ажратилди. Лойиҳада заводи механика чуғатхассислар билан таъминлаш учун металлургия юртлири қурилиши қўрсатилган. Янги завод бошқа машинасозлиги заводларининг қувоқ цехларидан янги илгор технология қўлланилиши билан фарқланади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев июль Пленумида қилган докладыда Ленинграддаги Киров номи заводи асо-

ФАКТ ВА

РАҚАМЛАР

◆ Заводнинг ишчи, инженер-техник ходимларидан 1550 киши ўқияпти. 300 йилгит-қиз кечки ишчи ёшлар мактаби, 250 киши олий ўқув юрти ва турли курсларнинг талабаси. 600 киши малака ошпирмоқда. Қорхона тўққиз кишини олий ўқув юртида ўз ҳисобидан ўқитмоқда.

◆ Қобулов, Лухманов, Соколовлар илгор кишилардир. Николай Лухманов завод қурилишидан бошлаб ишлаган эди. Кейинчалик фарзандлари ҳам шу ерга ишга келишди. Виктор Лухманов ҳозир инструменталь цехининг катта мастери, Петр Лухманов 11-пехда диспетчер. Викторнинг хотини Нина Гренко эса 27-цехнинг оборули мастерларидан.

Жўра Қобулов директорнинг қардлар бўйича ўрибосари. Угли Владимир капитал-қурилиш бўлимида инженер бўлиб ишлайди. Иван Соколов қувоқ цехи ишчиси. Унинг бир ўгли слесарь, иккинчиси шофёр бўлиб ишлайди. Қиз эса лабораторияда контролёр. Заводда бундай онлаларини ўйлаб қўрсатиш мумкин.

◆ Бу йил рағбатлантириш фонди 1965 йилга нисбатан беш марта кўпайди. Ишчи ва хизматчиларга 1968 йилнинг 1 апрелидан буюн йиллий рағбатлантириш ва маош фондидан 2 миллион сўм мукофот берилди. Бу ҳар бир кишига 300 сўмдан тўғри келади.

на ишлаб чиқариш билан деҳқонлар ўртасида эътибор қозонган коллектив 1971 йилдан бошлаб, пол олиш машинасини қўллаб таъёрлай бошлади. Икки ишлар министрлигининг қорхонаси пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун узел ва деталлар ишлаб чиқаришни бошлаганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Қорхона ўз олдида бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини қўймоқда.

Бир неча йилдан буюн пахта қурилиш учун универсал сушилка яратиш масаласи кун тартибидида турган эди. Утган йили қурилма-нинг лойиҳаси маъқуллади. «Ўзбекхлопкомаш» уни ишлаб чиқаришга тайёргарлик қўра бошлади. Бу йил сушилка қорхона конвейеридан чиқадик. Пахтачилик билан шуғулланадиган колхоз ва совхозларда қуришга талаб бениҳоя катта. Шу сабабли бир неча қорхоналарда қуришнинг детал ва қисмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаси тузилимоқда. Жумладан, Қўқондаги «Болшевик» заводи, Тошкентдаги пластмасса буюмлари, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси заводлари, Қўқон тўқимачилик машинасозлиги, Тошкент электротехника заводлари, шунингдек Тошкентдаги экскаватор ва Андижон машинасозлиги заводлари қуришнинг қўллаб қиқаришга ёрдам беради. «Болшевик» заводи иссиқлик генератори ишлаб чиқаради. «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси заводлари ёқилги системаси, Қўқон тўқимачилик машинасозлиги заводи, магнели клапанлар ишлаб чиқара бошляди. Қуришнинг ишлаб чиқаришда қорхоналарнинг ҳамкорлиги келгуси йилда УСС-1 маркали универсал сушилка ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга имкон беради.

Машинасозлиги ва электротехника санаяти қорхоналарининг қишлоқ хўжалик машиналари ва усунуналарни ишлаб чиқариш ижодияти бу билан чекланимайди. Келгусида плenum қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалик машиналари, усунуналари ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш учун мавжуд бўлган резерва ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳарият қилинади.

Ш. ХУЖАЕВ,
Ўзбекистон давлат План комитети раисининг ўринбосари.



Оқ олтин» ижодкорларига ҳар кун ишлаб машиналар жўнатилиб турибди. Бир ойда қорхона 500 тагача терим машинаси жўнатади. Суратда: қорхона ходими В. М. Егорова терим машиналарининг сифатини кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.



Ў. ФИЛХОН Масобирова қарийб 30 йилдан буюн бригадирлик қилади. Избоскан районидаги «Победа» колхозининг бу миришкор деҳқон бошичилигидаги пахтакорлари ҳосилдорликни йил сайин ошириб, Андижоннинг ярим миллион тонналик «оқ олтин» хирмонига муносиб улиш қўшмоқдалар.

Р. Ашулов фотоси, (ЎЗТАГ).



Яни қўшиқлар САБАБ

Севги ўти ичра ёнсанг, унга бир жонон сабаб,
Оху кўзлар жилави ё уйнаган мўлгон сабаб,
Ёр йўлига чиммасиндан ила йўл кўнгли томон,
Маънадаш, ишнинг йўлида иламо осон сабаб,
Гар йўлнингми ҳаловат чин муҳаббат боғида,
Уйлаким, қалбимда ёшлик замири, туғён сабаб,
Севгида кўнглимнинг очини кўзгудай ёр олдида,
Бўлмасин ҳимронга ҳеч бир сўздаги ёлгон сабаб,
Икки ёр етмас эса гар ул висол айёмига,
Уртада санкиб юривчи баъзи бир нодон сабаб,
Айла Мўмин қалбнинг эҳсон ёр учун сен аввало,
Чин аҳилинда яшагга — одоб-у виждон сабаб.

ЧИН ЁРМИ У?

Танлаган ёрнинг сўйла, ўзи чин ёрми у?
Сен ҳумор бўлган чоғинг, бил, сенга ҳам ҳуморим у?
Сенга у танҳо эрур, сен ҳам унга танқосиман?
Тилда ваъда айлабон ё дилро ағрими у?
Ҳам либос, ҳам ҳуснига оғиб, пушайман бўлмиган,
Гоҳ ҳасмеда айлар-у, гул фаслига ҳушторим у?
Орзулар мос тушсалар, бир бўлса кўнгли йўларинг,
Севгисига сендайин чиндан ўзи илҳорим у?
Эй, Мўмин, ёр танлаган оқил кўзи билан қарар,
Келса ҳимрон ноҳион енгмоқ учун тайёрийм у?

Пўлат МўМИН.

Амал ПУЛАТ.


НАМАСАН?

ХАЖВ

(Ўзасини парварши қилмаётган қолоқ бригадирга).

Неча кунлаб дала юзин кўрмайсан,
Ғуза ҳоли на неча деб сўрмайсан,
Маънадаш, тўғри кўлдан
Юрмайсан, юрмайсан,
Анқовмисан, лавовмисан,
Намасан?
«Оқ олтин»нинг ўтларга ем
Бўлмоқда,
Кўчатларинг ҳашаротга
Тўлмоқда,
Ишловни йўл, заъфарондек
Сўлмоқда,
Хуррамисан, мурғамисан
Намасан?
Вақти-вақти қондириб сув
Бермайсан,

Экинларнинг фарёдини билмайсан,
Қачонга бир инсофга немаяйсан,
Юлғимисан, сўргимисан
Намасан?
Кўринмайди кўплар ҳамон далада,
Дангасалар писиб ётар панада,
Ошга тайёр юлғим ухшар намага,
Ковомисан, товоимисан
Намасан?
Баландпарвоз гап. кетмайди билиб
Кўй,
Қуруқ ваъданг тумор қилиб илб
Кўй,
Вакт ганимат, зарур ишни қилиб
Кўй,
Ўзарлардан баттармисан намасан?



«Политотдел» колхозининг 11-бригадасида сув тараётган Анорбой Исмаилов билан Саидвали Алимбеовни уратдик.

— Сувчига иссиқ таъсир қилмайди, ойинг намда бўлгандан кейин ўтармиди. Нотмон солининг сояси ҳам бизга салқин беради.

Ариқдан оқаётган сувни эгитларга бир меъёра тараётган Анорбой билан Саидвалини кўриб сочларини чилвир қилиб тараётган қизларни эсладим.

Ҳа, ҳар бир толасини ўрмита келтираётган қиз сўмбўл сочларига қанчалар оро берса, Анорбой билан Саидвали ҳам ҳар бир эгитнинг бошига чим, қогоз қўйиб сув ўрмалатарди. Билмадим тўқсонинчиси, юзичи эгитми.

Саидвалидан анча нарида, Анорбойнинг авасини бузгандай: Эгит охирида сув қўллапти...

Энди у ёққа қандай бориш керак. Мана, ерни текислаш вақтида назорат қилинмаганнинг натижаси шу-да!

Анорбойнинг кўнглидаги бу гапларни унинг юзига, ҳаракатига қараб билиш мумкин эди. У сув қўллаган ерга борди. У ёқ бу ёққа гулроқ тортиди-у, сувни маромига келтирди.

Саидвали кетганини кўтариб, пастга қараб юзриб кетди. У сув урган эгитни тўғрилаб орасига қайтди, бу ҳам ер текислаётганда эътиборсизлик натижаси эди.

Сувчилар ўз ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беришди: — Сувчилар қайналмаслик учун, сувчи баҳорнинг биринчи кўнлариданоқ ерга ҳўнайн бую...

лиши керак. Шу дастлабки кўнларда тракторчи ҳам, бригадир ҳам, колхозчилар ҳам сувчига айтганига қўйса ёмон бўлмайди. Ўн беш йилдан бери сувчилик қилмади, ҳар бир чарчирини «сир» билга маълум. Сувчи ерининг ҳўнайн бўлаши керак, деган сўзга эътибор бермас, сув қўллаган, сув юрмаган жойларни текислашми, эгит ерга ўтиб сочларимиз, эгит ва зовурларнинг тўғри олинишига аҳамият берамиз.

Сувчи биринчи бор қилинадиган мана шу ишларни қўлдан бой берса, — ҳосилга пўт етказди. Пахта ҳосилининг етмиш проценти сувчига боғлиқ. Шунинг учун ўз касби-миз билан фахрланамиз.

Катта йўлга машина келиб тўхтади.

— Анорбой чимдан ташлаётганми? — сўради йигитлардан бири.

Саидвали кўлини қарай қилиб — «керак эмас» деди.

— Биз чимчи ҳам, эгит бошига қўйилгандан қозонни ҳам эрта баҳорда гамаб қўйганмиз.

Ўзимизнинг чимхонамиз бор, нам тортиб маромига келиб ётибди. Худди торфга ўхшайди.

Дарҳақиқат, улар сугоринг учун керак нарсани тахт қилиб қўйишган экан. Махсус жойга

Сувчи—ғўзани яшнатувчи

ПУШТАЛАР ҚОРАЙГАНДА...

ЛАВҲА

чим тепа қилинбди. Юлаб-минглаб сифонли трубалар бора-бор қилиб бойланган. Сувга чимдан қозонлар эса гарам бўлиб ётибди.

— Биз баҳор вақтида ишни бош тўғондан бошладик. Ўзимиз сугорадиган 150 гектар майдонга сув келадиган ариқчи бошдан охиригача қўздаб кечириб, тўғонларни мустаҳкамлаб, кетмон тегмайдиган қилидик.

Бригаданига сув 10 километр масофани босиб келди. Шу масофани ҳар кун бир-икки марта қўздан кечириб чиқамиз — мақсад бир томчи сув бекор кетмасин деймиз. Сувни тежабди сифонли трубалар жуда қўл келаркан. Сув бир меъёра таралди, эгит бўйлаб кўп юрмайсан. фақат сувни назорат қилиб туришда бас.

— Ҳозиргача 150 гектар майдонни икки марта сувдан қайтардик. ғўзалар текис шоналаб, гуллаш арафасида... Энди ташвишдан қутулгандайми, ас-ланда сувчининг беғам бўлиши мумкинми, йўқ. У ҳар бир тўғоннинг меҳрибон бўлаши керак. Бизнинг бригададаги ҳар

гектар ерда ҳозир ўртача 90-100 минг туп қўчат бор. Сувчининг 90 минг ташвиши бор деб шунинг айтиди.

Дастлабки йилларда эгит бошларини пишиқ қилмаганимиз ўқун, сув уриб кетавериб, жуда қийналган эдик. Ўша вақтларда туғи сугоринг ҳақида асло гапирмасан ҳам бўлади. Туғи сугоринг эгит бошларини яхши тартибга келтиришга боғлиқ. Андишда бўлса сифонли трубалар жуда иш беради. Кўп йиллик тажрибадан шунинг балдидики, бир кеча-кундузда 5-6 гектар ердаги ғўза қондириб сугорилса айин мўда-да бўлади.

Сувчилар билан дала айландин. Бўдиқ, шоналаб турган ғўзалардан эгитлар кўринмайдик. Зарарли хашаротлардан тозаланган ғўза тўплари кўм-кўк.

Бригаданинг дала шийлоида Саидвали билан Анорбойнинг ҳаммаси бўлди. — Орин Нуржигитов, Ўраимбет Ҳолбеков яна 12-бригаданинг сувчиси Тожи Бўтаевни уратдик. Қўшни бригаданинг сувчилари тажриба ўрганган келдишди. Тожи Бўтаев Орин Нуржигитовнинг камчилигини қўрсатиб гапир-ёганини эшитдик.

— Ўзининг барги қорай бошлагач, сув берганида дар-

мон бўлар эди, сен бўлсанг, шойилбсан, қўриб кетди, деб қўрқоқлик қилгансан. — дейди Бўтаев. Гапга бригада бошлиғи Қўлдош Эргашев аралашиб, Тожиининг сўзини қувватлади:

— Чанкамаян ғўзага сув бериш, қўрни шийган молга зўрлаб сув ичирган билан баробар, — деди у ҳазил-мўйина қилиб.

Бу навброн йигитлар 10-синфин битиргандан кейин ўзларининг туғилиб ўсган кишлоқда қолиб, мана 15 йилларини, сувчилик қилёттилар.

Меҳнат билан чиниккан, бутун қайноқ фаолиятини пахтачиликни ривожлантиришга бағиш-лаб келатган Анорбой ҳам, Саидвали ҳам эгит оралида, эгитма-эгит қўриб сув етказ-лади. ғўзаларнинг ҳар бир туғи-га оби-ҳайт бахш этди.

— Қўшнча кенка микробларни эгит бошига қайриб, мас-лаҳатлашамиз-да, нонуштаи ҳам шу ерда қиламиз. Колхоз ветерани фақат бригадирлик вазифасида ишлаб ном тағатган 90 ёшли Довбой ота бизнинг энг яқин маслаҳатгўйимиз де-йишди сувчилар.

— Сувчи болаларимдан шунинг учун хурсандимки, — дей-ди Довбой ота. — улар ўз касб-ларини яхши биладилар. Ўз иш-ларини севадилар.

Довбой отанинг бу сўзлари қўруқ мактов эмас, ҳақиқат эди. Шунинг учун бўлса керак, Саидвали ва Анорбойнинг номи ва сурати ҳурмат тахтасидан тўшмайди.

Р. ИСҲОҚОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

НУР ЖИЛВАСИ

Бизни Ҳужубон Шукров ишчилар сулоласи—доно оталар, оқил-аналар, тадбирли ва шижоатли ёшлар ҳақида, уларнинг киноди меҳнатлари ва озу-уйлари, муҳаббат ва садоқатлари, аjoyиб дўстлиги ҳақида ҳикоя қилувчи «Қалб қаноти» романини ёзиб тўтадим.

Қуйида шу асардан парча ўқийсиз.

ди. Идирғувчи қиз «гапдан иш яхши» дегандек леби устидаги бодорқ терини оқ қосиқаси учига ариб дастгоҳлар орадаб кета-верди. Унинг жуда қаққон ҳаракатлари, узишган илларни кўз ила-гамас тезликда улашлари Бахри-конни мафтун қилди. Ҳақиқатан ҳам Бахрикон сирини тушуна-масди. Шу сабабли бўлса керак, қизнинг ҳаракатини эътибор билан кўзата бошлади. Аммо унд, қиз-тирган нарсани қизнинг ақли-гай-донлиги эмас, «қани эди, шундай бўлса» дегани эди. Бахрикон «Қани эди»нинг сирини олаш учун тўхтаб қолди. Лекин қиз ўзи сўз очмагунча илламай, ҳақиқат бер-май дастгоҳини томонга қилгандек юраверди. Ниҳоят қиз тағини ақил-лашиб кетди.

— Нимага ажабланиб турибсан? — деб сўради у.

— Очганим айтсам, гапларингиз ёнқиб қолди менга.

— Демак, қонирги валиқлар ўз мўддатини ўтамайлари?

— Албатта!

— Яна қанақа шикоятларингиз бор машиналарга? — сипо-са, чан назар ташлаб сўради Бахри-кон. Икки йўзи ил ва механизм-ларда бўлган Чарос тўхтаган дастгоҳини кўриб қолди «кесирасиз» деб узоқлашди. Бахрикон ҳам «бора қолдинг» дегандек, бош силқиб унга эргашди.

— Шикоятини қилиб бита, Бахри-кон! — деди Чарос ишчи улаб бўлган ярим ҳази, ярим чин.

— Жуда яхши! — деди Бахри-кон хурсанд бўлиб. — Дала Бахри-конни ёнқиб қолди. Чарос бўл-са қиммаси яхши» дегандек бо-шини ёнқиб ҳиз эгиб, қўшн қўнларини сузиб қўлди. Бу қўн-лар пора қон, лўпчи юзларга жуда ҳам ярашиб турарди. Бахри-кон унга меҳр билан боқиб давом этди: — Илдан кейин ечимиз кирсангиз — бирпас гап-лашиб, бирга кетардик.

— Хўп бўлади.

Бахрикон ҳўлашиб айўлде давом этди. Аъло икки оғиз сўз-лашиб дардида гўё ишлатган, дек машиналар орасида яшири-ниб пойлаб турган эди. иттифоқ, нартги томондан Шодмон келиб қолди, Аълони кўриб бош чайқа-ди.

— Хўп! — деди у орасидан келиб тўсатдан олмасига урар экан.

Чўчиб тушган Аъло иргиб ўр-нидан турди.

— Ҳа! Сўхтаси совуқ!

— Иш вақтида машиналар ора-сида нима қилиб ўтирибсан?

— Гапнинг сал тўз солсанг.

вир у «ладам рози бўлиб қол-са» деган мўлоҳазада ташвиш-лана бошлади.

Игитларнинг кўзлари ҳамон Бахриконда. Бахрикон ўнг то-мондаги бир игитручани қизнинг гайри табиғи ҳаракатини кўриб тўхтади. Игитручани узишган ил-ни улаш ўрнига негидир, дорим узишган илни ерга отиб уриш-ла, икки кўл билан юзини беринг-гиз йиғай бошлади. Бахрикон бориб сўради:

— Ниманингиз нима?

— Сабоҳат.

Бахрикон сўхбатга киришди. Икки қиз, икки сўхбат Бахрикон-нинг комбинат ҳақидаги ўйлари-ни естин-устути қилиб юборди. Соғлом қизлар, турлилаб турган машиналар... Ўй, уларнинг, асаси керак, некини ўзгартири-

Бахрикон ўзи билан ўзи гап-лашиб, ўзи билан ўзи кўрашиб, ҳануз қузатиб туришган Аъло билан Шодмон томонга негидан эди. Одиқон келиб қолди. У олдинга уч-тўрт қадам босиб кў-лоқ солиб турган. Бахриконга деди:

— Ҳў, ана у — шпор остидаги станок овозини эшитмасизми?

— Ҳа, — деди Бахрикон ўнча-кулоқ совар экан. — Сал бошча-роқми?

— Ишанг! Сал эмас, анча-мунча додлапти-мени халокатдан асра, дедпти.

— Нима бўлган, деб ўйлайсиз? Ёсирганми?

— Яшанг! Агар ана бир кун шу аълода ишлайдиган бўлса машина майиб бўлиб қолади.

— Менмча ахши ишламайпти. Ўтган кун билан тўхтаб қол-ди, — деди Игитруччи.

— Сизлар бўсанлар қамчила-гандек ана юргазиб юбординглар, шундайми? — деди Одиқон.

Игитруччи кўлди. Одиқон Бахриконга қараб деди: — Қўрқин-гизми? Биз қандай воқимиз?

Қўрқинг оқдимин, чарчадингми, дейиш ўрнига йиқилиб қолган машинани уриб ишлатармиз. Ана ушдан кейин тўсатдан ағди-рилиб, ҳаром ушдан ҳайвондан бўлади, авария бошланган.

Одиқон юнонани босиб ста-нонни тўхтатди.

— Тушликдан кейин давом эт-дирамиз сўхбатини, майлими?

— Майли! — деб мийғида кў-либ қўйди Бахрикон. Одиқон шўшиб Сабоҳат томонга қадам ташлади. Бахрикон унинг орқа-сидан ўйчан тилишиб турди-да, қандайдир, өзгү бир хиссиёт би-лед «қандай йигит!» деб кўйди.

Бу сўзларни у қандай ниятда айтганини билиш қийин эди. Унинг назарида Одиқон қан-дайди, алоҳида бир йигит. Ни-гоҳининг илди-нуронийлиги, тилигини ширдорлиги, эҳсин-нинг ўтирилти ақлининг дав-шарлиги, ҳис-туйғуларининг воқил-лиги, бунинг устига одоб-фи-росатда баркамоллиги Бахрикон-ни ҳайратда қолдиради.

Сўх-батлашган сайин сўхбатлашнинг келадиган, икки дунёсига боққан сари боқинг келадиган йигит.

Бахрикон буларни ҳақилдан ўғинаиб, ниҳоят ўз-ўзига пичи-ради:

«Қандай бахтиёр қизнинг ёри у?»

Пойтахтимиз меҳмонлари

ХАНДА УСТАЛАРИ

Т ОШКЕНТ санъат шинаванд-лари бир неча кундан буюн Оренбург музикали комедия теат-ри коллективининг кўнунг ҳан-да, илмоғи асия ва кўнгли ки-ноларга боғ айлониб асарларини кўриб, мамун бўлмоқдалар.

«Поручик граф Лавровский» опе-реттаси ҳам (драматурглар А. Гор-бачев ва И. Петрова асари) томо-шайилар томонидан кўнунг кў-риб олинди. Пьесада тарихий воқеалар ҳикоя қилинган.

Қизил разведкачи Александров оқ атаман Дутовнинг штабига юборилди. Воека ана шу зай-да ривожлана боради. Драматик ҳолатлар, кўнгли лавҳалар томо-шайилар ўзига мафтун этиб қў-ди. Асар музикаси ҳам наван



ҲИНД ТАРОНАЛАРИ

Ўзбек эллада ҳинд та-роналарини севмаган ки-ши нам. Бу қадимий мам-лакатнинг кўҳна сал-ти билан учрашув ҳар доим байрамдек тўз ола-ди.

Шу кеча-кундузда Ташкентда бир гуруҳ ҳинд артистларининг концертлари давом эта-тир. Улар ичиди Шрима-ти Камла ва Кумкум

Дас наби талантли ра-қосалар бор. Катта кон-церт программада саҳна

усталари ўзларининг «нахтан», «бхарат-натя» ва «корисса» рақс санъатларини на-моиш этмоқдалар. Бу рақсларда надинги ва ҳозирги Ҳиндистон ҳа-ёт ифода этилади. То-мошабинларнинг кўз олди-да Вобир ва Тагор, Не-ру ва Шастри яшаган ватан намоён бўлади.

Ганг ва Ҳинд дарёлари, Ҳинд океани бўйлаб сай-ҳат қилгандек бўлади-лар. Ҳинд музикачилари

Ўз маҳоратини надинги «вина» ва «бансори» чолғулариди кўрсатиш-моқда. Ансамбль солист-лари Д. Мурдешвар ва К. Нейранессони репер-туарларида ҳалқ ва ҳо-зирги замон ҳинд таро-налари янграйди.

Ташкентда Ҳиндистон санъати вакиллари Со-вет мамлаката бўйлаб қилган 20 кунлик гас-ти-ролларини аянашди.

А. НИЗОМОВ.



КўЛ ТОНГИ ОТМОҚДА.

К. Юсупов фототюди, (ЎЗТАГ).

ашуалари, напарлари, татар муй-лари асосида жуда равои баста-ланган. Бу спектакль ва уни саҳ-наштирувчилар, ролларни кир-о-этувчилар музикали театрларнинг Бутунроссия ва Бутунтиффон конкурсида диплом билан тақ-дирланган.

Расмларда 1. РСФСРда хизмат кўрсатган артистка П. Н. Янович-ная кланз хотин Глаша ролида. 2. Артист В. С. Дубовон қизил раз-ведкачи Леонид ролида. 3. РСФСР да хизмат кўрсатган артист А. Г. Леман Тимонна ролида. 4. РСФСР да хизмат кўрсатган артистка В. С. Меламед Дутонинг ўйнаши Элзира ролида.

Н. Меламед чизган расмлар.

ЯНГИЛИКЛАР,
ХАБАРЛАР,
ВОҚЕАЛАР

Халқаро ХАЁШ

МОНГОЛИЯДА РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНИГА 49 ЙИЛ ТЎЛДИ

УЛАН-БАТОРДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

УЛАН-БАТОР, 10 июль. (ТАСС). Бугун Давлат опера ва балет театрида Монголия пойтахти жамоатчилиги вакиллари кинг Монголидаги халқ революцияси 49 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

ДЎСТЛАР ЁРДАМИДА

УЛАН-БАТОР, 10 июль. (ТАСС). Ўзбекистоннинг аймоғидан Хар-Хорин давлат хўжалигида яна бир саноат объекти — омухта ем ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди. Деб хабар беради МОНЦАМЭ агентлиги. Ишлага 18 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарувчи бу корхона СССРнинг техникавий кўмаги билан қурилиб, ишга туширилди. Чорвачиликнинг мустақам озуна базасини вужудга келтиришда СССР Монголиятга катта ёрдам бермоқда. Шу йил биринчи ярмининг ўзида Совет Иттифоқининг ёрдами билан мамлакатнинг турли районларида омухта ем ишлаб чиқарувчи бешта корхона қурилиб, ишга туширилди.

БАЛИҚЧИЛАР КУНИГА

Рассел
Ханзаси



Балиқчининг иш кун.



Уйқусида ҳам балиқ тушига киради.



— Миллиди!



Орзу.



Сўзаси сурат.

Расмлари М. Воробейчиков чизган.

Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат Н. Лувсанравад халқ революциясининг 49 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Монголия Халқ Революцион партияси раҳбарлигидаги монгол халқи Улуг Ойтабь социалистик революциясининг бевосита таъсири остида ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашга отланиб, тарихий ғалаба қозонганидан бери ордан 49 йил ўтди, деди у.

Монголия эконоимikasi ва маданиятини ривожлантириш ишида, деб таъкидлади докладчи, совет халқининг бегараз ёрдами биринчи даражали роль ўйнади. Ҳозир Монголия Халқ Республикасида социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишида ҳам бу ёрдам ҳал қилувчи роль ўйнаб келмоқда.

Монголия меҳнаткашлари, деди у сўйра, улуг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқларига, шунингдек қардош мамлакатлардан келиб, Монголия Халқ Республикасидаги социалистик қурилишда бевосита қатнашаётган ишчилар ва мутахассисларга қизгин салом ва энг ахши истаклар йўллайдилар.

Халқаро майдонда, деди Лувсанравад, жаҳон социалистик системасининг таркибий қисми бўлган Монголия Халқ Республикасининг обрўни тобора мустақамлашиб бормоқда. Монголия Халқ Республикаси халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга ҳақда да мустақамлашга, жаҳон социалистик системаси мамлакатларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини, коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустақамлашга ҳақда барча революцион кучларнинг милераллизи қарши курашдаги ҳаракат сафарини жипслагтиришга қаратилган ленинчики сиёсатини ўтказиб келмоқда.



Н. ЕЧА қардош Монголия халқ революциясининг 49 йиллигини кенг нишонлади. Халқ ҳокимияти йилларида мамлакат қиёфаси, меҳнат аҳли турмуши тез ўзгариб кетди. Бунда Совет Иттифонининг бегараз ёрдами жуда кўл келди. Юқоридаги суратда; монгол халқининг ҳождиси Сух-Баторга Улан-Баторда қўйилган ёдгорлик. Пастдаги суратда эса: «Гламосстрой» 2. трести коллективнинг фаол иштирокида қад кўтарган пойтахтдаги янги кварталлар.

В. Гудан ва В. Соболев фотолари. (ТАСС).



КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР

УЛАН-БАТОР, 10 июль. (ТАСС). МОНЦАМЭ агентлиги хабар беради: Монголия Халқ Республикасининг шонли 49 йиллигини мамлакат меҳнаткашлари меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олмақдалар.

Монголия Халқ Республикасининг Министрлар Совети ҳузуридаги марказий статистика бошқармаси эълон қилган ахборотда айтилишича, шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи саноат махсу-

лотининг ҳажми 8,4 процент кўпайган, шу жумладан: электр энергия ишлаб чиқариши 19,8 процент, энгил саноат ва озиқ-овқат саноати махсулотлари ишлаб чиқариши 3,1 процент, қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 32,1 процент кўпайди.

1 июлдаги маълумотларга қараганда, мамлакат чорвадорлари 7,7 миллион бошдан эиброққ ош чорва молларни боқиб ўстирмоқда, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 процент кўп.

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДАГИ АХВОЛГА ДОИР

ЛОНДОН. (ТАСС). Ирландия ва Англия жамоатчилиги протестант уявтраларининг 13 июлда ўтказмоқчи бўлган парадни Олстерда янги ғалабалар кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин деб кўп марта лаб огоҳлантирилганлигига қарамай Буюк Британия ҳукумати бу иғвогарлик парадини тақиқлашдан бош тортмоқда.

Олстерда везият тобора кескинлашмоқда. Белфастда католиклар билан протестантларнинг янги тўқнашуви бўлди. Янгила кўчинлари нўздан ёш оқиёзиданга газ ишлатдилар. Улар уявтраларнинг 7 минг киши иштирок этган юриши вақтида бу газни ишга соддилар.

ЭРОН ҲУКУМАТИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ТЕХРОН. (ТАСС). Эрон ташқи ишлар министри А. Зоҳидий Кувайтга расмий визит билан бориб қайтиб келганидан кейин айтиди, консерваторлар ҳукумати Эрон қўлти-

ри районида инглиз қўшинларининг туриш муддатини 1971 йилдан кейин ҳам узайтириш ниятида эканлиги сабабли Эрон-Англия Ташқи ишлар министрлигига расмий норозилик билдирди.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА ХАВФЛИ ШАРТНОМА

Халқаро мавзуда

Хинди-Хитой халқларига қарши олиб борилаётган қонли ва адолатсиз уруш, қилинаётган реакция дават тўнтарилари, сотқин режимларга қарбий-иктисодий ёрдам кўрсатиш, Осиё давлатларининг ички ишларида кўпол равишда аралашуши ушбу доктринанинг «мевадари»дир. Худди шунинг учун ҳам Осиё халқлари, жумладан япон халқи ушбу сиёсатни фожия қилиб ташлаш ва янги агрессия ва асорт доктринаси деб атади.

Маълумки, япон-америка «хавфли шартномасининг» яна узоқ муддатга узайтирилиши фақат япон ороларидангина эмас, балки Узоқ Шарқ ва Жанубий Шарқ Осиёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам кескин лорозиликка сабаб бўлди. Чунки бу шартнома АҚШ-Япония доирасидан чиқувчи қора мақсадларни қўлайди ва Узоқ Шарқ ҳақида Тинч океандаги узоқ ҳам мураккаб бўлган халқаро ахволини янада кескинлаштиради. Икки томонлама агрессия қарбий, сиёсий иттифоқлар доимо табиғий вужудга келтириб, тинчлик ва халқаро хавфсизликни янада кўпол равишда қўлайди пўтўтгазётган бўлса, Вашингтон — Токио ўртасидаги маълум иттифоқ ҳам худди шу муҳим ваифақият баъжармоқда. АҚШ Японияда 263 та янги қарбий объектларни сақламоқда. Уларнинг

ичида аэродромлари, қарбий деңиз базалари, радар установчалари, погонлар ва алоқа пунктлари бор. Пенгтонга Японияда 263 қарбий базага ага. Биринчи Окинава оролида АҚШнинг 117 қарбий базаси бўлиб, ундаги Америка қўшинларининг сони 80 мингга яқиндир.

Сенед жандарм роилини ўйлаб Вашингтон ўзининг «Гуам доктринасини» амалга оширишда Токиога баш иттифоқчи сифатида қарамокда. Жапуний Корея, Тайванга ҳо. минг қилиш қўйиш билан эса Ой уйдагилар Японияни Улазарининг Осиёдаги босқинчилиги қаракатларига шерик қилмоқдалар. Шу босдан ҳам Японияда реакция ва милитаризм тарафдорларининг кучайиши Япониянинг ўзида ҳам, Узоқ Шарқ ва Осиё мамлакатларида ҳам қонуний таъшиш тутирмоқда. Яқинда эр шарининг ушбу районидаги сиёсий об-давони 10 йил давомида бахараб келган япон-америка «хавфли шартномасининг» яна навбатдаги ўй йиллини муддатга узайтирилиши халқларнинг таъшишини янада кўпол равишда қўлайди пўтўтгазётган бўлса, Вашингтон — Токио ўртасидаги маълум иттифоқ ҳам худди шу муҳим ваифақият баъжармоқда. АҚШ Японияда 263 та янги қарбий объектларни сақламоқда. Уларнинг

хавфли қадамлари миллион-миллион япон меҳнаткашларининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда.

Япония ва япон меҳнаткашларининг тўб манфаатлари ва бахтли келажиги япон-америка шартномасининг тезроқ тартиб-йўрилишини, агрессия блокларда иштирок этишга ва милитаризм сиёсатига чек қўйилишини талаб қилади.

«Япон-америка хавфли шартномаси», дейилади Япония коммунистларининг яқинда эълон қилинган баёнотида, — бу Осиёнинг ҳамма халқларига қарши қаратилган агрессия қарбий иттифоқдир. Бу АҚШнинг ортидан хавфли судралиб юриш шартномасидир». Ваё, натади ушбу хавфли иттифонинг тартиб-йўрилишида, ҳамма халқлар ва мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик сиёсатини оғинайи амалга оширгандангина Япония хавфсизлиги ҳамда Осиёдаги тинчликни таъминлаш мумкинлиги таъкидланади.

Маълумки, ўтмишда япон ҳуқурон доираларининг «Улуг Япония империясининг» тушиш учун қилган қаракатлари ва қарбийлаштириш сиёсатлари оғир мағлубият ва тарихий шармангалик келтирган эди. Япониянинг тинчлик ва хавфсизлик ишларида, биринчи галда Япониянинг ўзининг тўб манфаатларига зид бўлган хавфли сиёсат — америка «хавфли шартномасининг» автоматик равишда сақлаб қолган Япония раҳбар доиралари тарихнинг «адолатли сабабларини унутмасликлари керак».

Т. СОЛИЕВ.
«Совет Ўзбекистони» халқаро шарҳловчиси.

ДЎСТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

Бундан 49 йил муқаддам, 1921 йилнинг 11 июлида монгол армияси ҳаётида катта бурилиш юз берди. Шу кун мамлакатда революция ғалаба қозониб, ҳокимият халқ вакиллари қўлига ўтди. Монгол халқи асрлар қўзилган бой ва руҳонийлар оғулидан бой-тулди. Кўчманчи чорвадорлар юртида ҳўм сураётган Япония милитаристларининг бевосилигига чек қўйилди. Араглар Монголия Халқ Революцион партияси ва унинг таъшишотики Сух-Батор раҳбарлигида ўз турмушларини қайта қурдилар. Бугунги кунда ўтмишда ўта қолоқ бўлган аралар мамлакатни — Монголия Халқ Республикасини социализм йўлидан бораётган, гуллаб яшайдан ўзига айланди. Ана шундай фаровон турмушга олиб келган кун — 11 июлни монгол халқи ҳар йил кенг равишда нишонлайди.

Кунинча аралар дийрида катта тантанали бўлиб ўтди. Халқ Ленин даҳоси ва Монголия Халқ Революцион партиясининг раҳбарлигида эришган фаровон турмушларининг навидасини сурш учун кўчаларга чиқди. Ленин бу байрамни монгол халқи ёдига нишонлаётгани 897-Кеча бизнинг жонажон Совет дийрида ҳам катта тантаналар бўлиб ўтди. Совет халқи қардош монгол халқининг байрамини кенг нишонлаб, ушбу қардошлиқнинг энгилмас кўчилини намойиш этидилар. Вақтинчи пойтахти Москвада

бу байрам айниқса катта тантаналарга айланиб кетди. Шаҳар жамоатчилиги монгол халқининг вакиллари билан учрашиб, уларни аралар ҳаётидаги катта байрам билан қийн дилдан қўтладилар, уларга ўз ютуқлари ҳақида сўзлаб бердилар. Сўйра монгол дўстларимиз пойтахтнинг бир неча йирини корхоналарида бўлишиб, ишчиларнинг меҳнатлиги ютуқлари билан таъиндилар. Ана шу корхоналарда ўтказилган митинглар монгол ва совет халқлари дўстлигининг қинакам намойишга айланди. Пойтахт меҳнаткашлари меҳмонлар орқали монгол халқига чексиз саломлар йўзладилар ва уларга социализм кўчили йўлида янгида-янги муваффақиятлар тиладилар.

Монгол халқининг қўтлуг байрамини ўзбек халқи ҳам кенг нишонлади. Митингга тўпланган Бухоро шаҳар жамоатчилиги монголиялик дўстларининг байрам билан қизгин қўтладилар.

Монголияда халқ революцияси ғалаба қозонганининг 49 йиллиги бугун мамлакатнинг энгилмас таърих саҳифасида кенг нишонланди. Шаҳарлар ва қишлоқларда қардош халқ ҳаётидаги мана шу тарихий санага бағишлаб тантанали йиғинлар ва митинглар ўтказилмоқда.

Олмаотада Қозғистон пойтахти жамоатчилиги мамлакатларининг майлини бўлиб ўтди. Сўзга чиққан ўртоқлар Қозғистоннинг Монголия Халқ Республикасини билан ҳар тарафлама иқтисодий ва маданий алоқалари тобора кенгайиб, ёнгида-янги ўтди.

Қозғистондаги йигирматадан ортиқ корхона ҳозир ўз мақсулотини шу қардош мамлакатга юбориб турибди. Монголиялик ёш мутахассислар Қозғистон заводлари ва фабрикаларида практиканда ўтмоқдалар. Монголия Халқ Республикасининг келган йигирта-қизлар республика олий ўқув юрларида таълим олмақдалар.

Монгол халқининг миллий байрамига бағишлаб Бурятия пойтахти Улан-Удэда меҳнаткашларнинг тантанали митинги бўлиб ўтди.

Монголияда халқ революцияси ғалабасининг 49 йиллигига бағишлаб Фрунзеда ҳам жамоатчилигининг умумшаҳар йиғилиши бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

МАЙДОНДА ҒАҚАТ АЁЛЛАР

Италия шаҳарларида антитра футбол жанглари — аёллардан тузилган командалар жаҳон чемпионати бошланди. Биринчи марта ўтказилган бундай мусобақа кайдош бўлиб аёлларнинг кўп сурини кўчиладилар, катта кишини уйғотмоқда.

Саккиз мамлакатнинг терма командалари иштирок этаётган чемпионат ўйинлари арнактар командалари учрашувларидан дарбозага кўпроқ туш кичириб, йирини хисобли ғалабаларга эришяётганлиги билан фарқ қилипти, ҳоло. Аёллар учун олиндин беш гиланган 70 минутлик ўйин мобайнида ҳозирча Гетуя шаҳрида ангилликлар Фарбий Германия командасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратишган бўлса, Вярда мексикаликлар Австрия командаси дарбозасига жаовбсиз 9 тўп йўллаб ғалаба қозондилар. Аёллар жаҳон чемпионатининг финал учрашуви 13 июлда бўлади.

«СПАРТАК» — «БАЗЕЛЬ»

Швейцария пойтахти Женевада Европа чемпионати кўбои ҳамда кўбои аёллари кўбои учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этувчи командалар ўртасида қўрға ташланди. Бунда Европа чемпионати кўбои учун курашнинг 1/16 финал ўйинида Москванинг «Спартак» команди билан Швейцариянинг «Базель» клуби футболчилари учрашнинг маълум бўлди.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОВОВ.

РАДИО
БҮГҮН

6.15 — Тонгги концерт, 7.45 — «Мантаб ва жамоатчилик», 8.25 — Янги ёзиб олинган асарлар, 9.30 — Шарқ куйлари, 10.10 — «ТА-ВАССУМ» радиожурнали, 11.35 — Халқ талантили концерт, 12.15 — «Эрталабки салом», (Москва), 13.30 — Республика балиқчилари учун концерт, 15.00 — Балиқчилар кўнига бағишланган эшитириш ва концерт, 16.10 — Ҳ. Олимжон. «Зайнаб ва Омон» поэмаси асосида радиопостановка, 17.40 — Экран янгиликлари, 18.00 — «Музыкали ғабос», 18.40 — И. Штрауснинг «Вена қон» опереттасидан парчалар, 19.20 — Рақслар, 20.00 — «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси, 21.00 — «Мамлакат ва қишлоқлар», 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.20 — «Табассум» радиожурнали тақдирини аштитириш, 23.30 — Кечини концерт, 24.00 — Лирик кўшиқлар.

ТЕАТР
БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
9.35 — Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 10.00 — Телеспектакл: 11.10 — Мультифилм. Ўзбек тилида: 11.40 — «Занора Лақау капитанлари» (Балиқ филми), 12.50 — Сөвимили шонларининг: ХАЛИД ОЛИМЖОН, 17.00 — Балиқчилар кўни, 17.25 — Балиқчилар учун концерт, 17.55 — «АХБОРОТ», 18.25 — «ЭКРАН ХАНАДИ» (тақдирини кўрсатади), 18.35 — «АХБОРОТ», 18.35 — «ЕШЛИК» студиясини кўрсатади: «ҚИЗЛАР ДАВРАСИ», 20.35 — «Адам ва Ҳева» (кинокомедия), 20.45 — Ғалабадорларнинг меҳнат рапортлари, 22.00 — Кўнцерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
10.00 — Тошкент. Ушув кўрсатади. 12.00 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
17.00 — Фрунзе кўрсатади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Яшасини сағи! — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (қундуз ва кечурун), «САНЪАТ САРОНИ» (қундуз соат 12 да), «СПУТНИК» (кеч соат 8 ва 9 да), «НАВОНИ» (қундуз соат 1 ярим ва кеч 7.30 минутта).
Уч ёклама текишуру — «СПУТНИК» (қундуз ва кечурун).
Онам эрга тегди — «НАНКА» (қундуз ва кечурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, 11 ярим, қундуз 4 ва кеч 9 да).
Қора лол — «ДРУЖБА» (қундуз ва кечурун).
Спартак — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (қундуз ва кечурун), «Халоскорли» — «МОСКВА» (қундуз соат 1 ва кеч 6 да).
Графина Косель — «САНЪАТ САРОНИ» (қундуз соат 3 кеч 6 ва 8.45 минутта).

ЎЗГИ БИНОДА
(Кеч соат 9 ва 10.40 минутта бошланади)
Уч ёклама текишуру — «ФЕСТИВАЛЬ», «ТЕЛМАН» (қундуз ва кечурун).
Онам эрга тегди — «ХИВА», «Шантентер маликаси» — «РАКЕТА».

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИ
МАРКАЗИЙ МАДАНИЙ ВА
ИСТИРОҲАТ БОИДА
12 ИЮЛДА
(қундуз майдонда)
ҚЎҲОНЛИК ЕШ ХУШОВОЗ
ХОНАДА
НАЗИРЖОН НАЗАРОВ
МАРИТОНЛИК СЕВИЛИ
ХОНАДАЛАР ОЛАСИГИЛ
ДИЛОРОМХОН ВА
РИСОЛАХОН ЗОКИРОВАЛАР
ТОШКЕНТЛИК ХОНАДАЛАР
ХОНАЖОБ ХАМИДОВ, ШОМУ,
РОД ФАРМОНОВ, РУСТАМЖОН
ХОЛИКОВЛАР
ИШТИРОКИДА
КАТТА КОНЦЕРТ
«Концерт кеч соат 8 яримда бошланади»
Билетлар сотилмоқда.

ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР
ЎЗЛИНИНГ ИШЧИЛАР
ТАЪМИНИНГ БУЛИМИДА
беш бухгалтерлар, ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиқи ўринбосарлари, жодаларга иқтисодчилар ва товаршунослар, вақтинча ишга маълаки бухгалтерлар (иш ҳақи — меҳнат шартномаси бўйича), бухгалтер-ревизор, умумий оқиллашш технология, нововойхона бўлимига бошлиқи
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 94-й, 179-хона.

ҒАНИЕВ НОМИ ТОШКЕНТ
КИНО ТЕХНИКУНИ
ТОШКЕНТ-47. ЛЕНИНГРАД КҶ.
ҲАСИ. 19 УНГА КҶИЧ ҲҲДИ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии
Узбекистана, Верховного Совета и Совета
Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлари: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 333783. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Маъсул секретари — 334455, Маъсул секретари ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда ишчи — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Советқурилиши — 333258, Кишлоқ хўжалиги ва саноат — 332036, 331216, Фан, мантаб ва олий ўқув юрлари — 334551, Махаллий ахборот ва спорт — 332247, Омиёвий ишлар ва халлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334324, Стенография — 337343, Коррентур — 337162, Ёллонлар — 338142, Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андишон — 48-85, Бухоро — 3-31-42, Қарши — 38-42, Нукус — 42-62, Самарқанд 31-972, Термиз — 23-27, Ургач 34-55, Гулистон — 22-03.